**Умумий фойдаланишдаги махаллий ахамиятидаги автомобиль йўлларидаги кўприкларни диагностика (холатини аниқлаш) қилиш ишлари бўйича тузилган**

# ШАРТНОМА №-7-

Наманган шахри «26» Сентябрь 2022 йил.

**"Буюртмачи"** Наманган вилояти **"Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси" унитар корхонаси** номидан Устав асосида иш кўрувчи, корхона бошлиғи **А. Изатуллаев** биринчи томондан, **"Бажарувчи" "Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази"** номидан Устав асосида иш кўрувчи, марказ директори **С.Хамидов** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида қуйидагилар тўғрисида шартнома тузилди.

## 1. Шартнома мавзуси.

1.1. Келгусида "Буюртмачи" умумфойдаланув махаллий ахамиятидаги автомобиль йўлларидаги кўприкларни диагностика (холатини аниқлаш) ишларини амалга оширади қуйдаги ишлар бажарилади:

- иншоотнини техник параметрларини аниқлаш;
- иншоотнини конструктив элементларини яроқлилигини аниқлаш;

ИҚН 72-12, МШН 4-2004 ва ШНҚ 03.06.07.-08. га асосан маълумотларни тўплаш.) қилиш ишларига буюртма беради.

1.2. "Буюртмачи" диагностика ишларига алоқадор хужжатлар билан таъминлайди.

1.3. Бажариладиган ишга илмий, техник ва бошқа қўйиладиган талаблар "Буюртмачи" томонидан бериладиган техник топширикда акс этган бўлиб, шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

1.4. "Бажарувчи" мазкур буюртмани келишилган график асосида бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 2. Томонларнинг мажбуриятлари.

2.1. Ушбу шартнома Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 1/4671, 01-19/7284, 7/01-08-9544 сон қарори иловаси 2-бандига асосан тарафлар коррупцияга қарши белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайди

2.2. "Бажарувчи" нинг мажбурияти:

- Топшириқномага биноан кўрсатилган вазифаларни тўла бажариш;
- "Буюртмачи" га шартномада белгиланган муддатларда ишни тўла бажариб тақдим этиш.

2.3. "Буюртмачи" нинг мажбурияти:

- Бажарилган ишлар қийматини шартномага илова қилинган бахосини келишув баённомаси асосида тўлаш кафолатини ўз зиммасига олади ва шартнома тузилгандан кейин шартномада келишилган қийматнинг 30 фоиз миқдорида аванс тариқасида "Бажарувчи" нинг ҳисоб рақамига ўтказади.
- "Буюртмачи" "Бажарувчи" га шартномада белгиланган ишни бажариш жараёнида техник амалий ёрдам кўрсатиш лозим.

## 3. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси умумфойдаланув махаллий ахамиятидаги автомобиль йўлларидаги кўприкларни диагностика қилиш ишлари (ҚҚС билан) **29 000 000 (Йигирма тўққиз милион) сўм**ни ташкил қилади.

3.2. "Буюртмачи" бажарилган ишларни топшириш, қабул қилиш далолатномалари имзолангандан сўнг 15 кун мобайнида "Бажарувчи" га ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

3.3. Шартноманинг нархи амалдаги тарифлар, шунингдек шартномавий келишилган баҳолар асосида хисобланади.

## 4. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш ишлари техник топширик талабларига биноан белгиланади.

4.2. Бажарилган ишлар тугагандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан техник топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. “Буюрмачи” бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олган кундан бошлаб 5 кун мобайнида бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўловларни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

4.4. “Буюртмачи” бажарилган ишларни қабул қилмаслигини асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча иловаларнинг рўйхати ва унинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажариш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилишлари ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш шарт.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт, ўзаро хисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

## 5. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик.

5.1. Бажарилган ишлар муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ бажарилмаган ҳолларда, “Бажарувчи” “Буюртмачи” га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар миқдорининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Бажарувчи” га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. “Бажарувчи”, “Буюртмачи” ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектларининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## 6. Қўшимча шартлар.

6.1. ”Бажарувчи” бажариладиган ишлар қийматини ортиши мумкинлиги тўғрисида ”Буюртмачи”ни олдиндан огоҳлантириши ва “Буюртмачи”нинг розилигини олгунга қадар ишларни тўхтатиб туриши керак.

6.2. Зарур бўлганда томонлар шартномани ривожлантириш ва аниқлаш мақсадида қўшимча битим тузишади.

6.3. “Бажарувчи” ҳар ойда ишларни топшириш қабул қилиш далолатномаси бўйича шу ойда бажарилган ишларга оралик далолатномалар расмийлаштириши мумкин.

6.4. Шартнома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан имзоланиб, рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

## 7. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари.

| “Буюртмачи” | “Бажарувчи” |
|---|---|
| **«ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ» ИЙФУК** | **“Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази”** |
| **Манзил**: Наманган вил, Поп тумани Резак қ А-373 «Тошкен Ўш» а/й. 230-км | **Манзил**: Наманган шахри, Саноат кўча 19-уй |
| **Тел**: (71)212-70-51 (71) 212-70-50 | **Тел**: 69 237-21-40 (факс), 69-237-33-82 |
| **х/р**: 23 402 000 300 100 00 1010 | **Ҳ/р**: 23402000300100001010 |
| **ШХР**: 3045 1086 0142 1970 4516 3118 001 | **М/Х:** 47001086014401704519З118002 |
| **ИНН**: 201 122 919, **ИФУТ** : | **Банк:** ХККМ М.Б Тошкент ш Б.Б |
| **Банк:** ХККМ МБ Тошкент шаҳри Бош бошқармаси. **МФО:** 00014 | **ИНН:** 201122919 **МФО:** 00014 |
| | **ИФУТ**: 85590 |
| **Бошлиғи:** ____________ **А. Изатуллаев** | **Директор:** ____________ **С. Хамидов** |
| М.Ў. | М.Ў. |

## ХУЛОСА

*Мен ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунга ва бошқа ҳужжатлар асосида тузилганлигини кўриб чиқиб қуйидаги хулосаларни билдираман.*

*Мазкур битим Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313.319.320 моддалари асосида тузилган бўлиб, тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларнинг ҳал этиш тартибда Қонун ҳужжатлари талаблари [illegible] бериши кўзда тутилган.*

*Ушбу шартнома [illegible] тарафлар томонидан [illegible] бўлади деб ҳисоблайман.*

**Ҳуқуқшунос:** ____________________ **Р.Бейтурага**

**Гувоҳнома (лицензия)№ ЮК 004760**

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

«26» 09 2022 йил Поп тумани

«Қамчиқавтойўл» ИЙФУК томонидан 2022 йил «22» сентябрдаги 22110012135989-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари» тўғрисидаги конуни 56 ва 58-моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш буйича товар (иш хизмат) лар учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари» тўғрисидаги конуни 60 ва 61-моддалари талабларидан келиб чикиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни буйича "NAMANGAN YO`L XO`JALIGI XODIMLARI MALAKASINI OSHIRISH O`QUV MARKAZI" томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг макбул деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар «Давлат харидлари» тўғрисидаги конунни 62 моддасига асосан давлат буюрмачиси томонидан у расмийлаштирилган кундан давлат харидларининг электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари буйича этирозлар келиб тушмади. Юкоридаги холатлардан келиб чикиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Мухокама учун белгиланган муддат тугагандан кейин келиб тушган этирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

"Қамчиқавтойўл"ИЙФУК директор ўринбосари П.Турсунов

“Тасдиқлайман”

“Қамчиқавтойўл” ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси” унитар корхонаси бошлиғи

_____________ А. Изатуллаев

“___” ______________ 2022 йил

“Келишилди”

“Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази” директори

_____________ С. Хамидов

“___” ____________ 2022 йил

# Техник топшириқ

| | |
|---|---|
| Буюртмачи | “Қамчиқавтойўл” ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси” унитар корхонаси |
| Бажарувчи | “Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази” |
| Иншоотнини диагностика ишларини амалга оширишга асос | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 226-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 31 декабрдаги “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишларини таснифига ўзагртириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 352-сонли қарори |
| Иншоотни диагностика маълумотларини ишлатилиши | Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш бўйича йиллик ва истиқболли йўл ишларини режалаштириш дастурларини ишлаб чиқишда. |
| Объектнинг жойлашган ўрни | “Қамчиқавтойўл” ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси” умумий фойдаланишдаги махаллий ахамиятидаги автомобиль йўлларидаги кўприкларни диагностикаси |
| Иншоотни диагностика ишларини амалга оширишнинг алохида шартлари | Диагностика ишларини амалга оширишда қуйидаги ишлар бажарилади:<br>- иншоотнини техник параметрларини аниқлаш;<br>- иншоотнини конструктив элементларини яроқлилигини аниқлаш;<br>- ИҚН 72-12, МШН 4-2004 ва ШНҚ 03.06.07.-08. га асосан маълумотларни тўплаш. |
| Ишларни амалга оширишнинг асосий босқичлари | Дала-қидирув ишлари:<br>- камерал ишлар:<br>- хулосалар ва тавсиялар. |
| Хужжатлар таркиби ва расмийлаштиришга талаб | Тушунтириш хати, чизмалар, хулосалар, маълумотлар, иловалар ва бошқа хужжатлар мажмуаси.<br>Расмийлаштириш амалдаги талабларга мувофиқ бўлиши керак. |
| Стандартларга риоя қилиш талаблари | Амалдаги стандартлар, меъёрий ҳужжатлар ва қоидалар, йўриқномалар, қонунчилик хужжатлари. |
| Топшириш-қабул қилиш тартиби | Амалга оширилган ишлар ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади.<br>Амалга оширилган ишлар амалдаги тартиблар бўйича расмийлаштирилади ва 3 нусхада тайёрланади. |
| Иншоотни ни диагностика ишларини амалга оширишнинг муддатлари | Шартномада белгиланади. |

2022 йил “26“ сентябрдаги

-7- сонли шартномага 1-илова

**Шартнома бахосини келишув**

**БАЁННОМАСИ**

Биз қуйида имзо қўювчилар, умумфойдаланув махаллий ахамиятидаги автомобиль йўлларидаги кўприкларни диагностика (холатини аниқлаш) қилиш ишлари тўғрисидаги 2022 йил “23” сентябрдаги **-7-** сонли шартнома **29 000 000 (Йигирма тўққиз милион)** сўмга тенг деб келишганини тасдиқлаймиз. Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасида ўзаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

Баённомадаги келишилган нарх очиқ хисобланиб, қўшимча ишлар пайдо бўлганда қўшимча шартнома тузилади.

| **“Буюртмачи”** | **“Бажарувчи”** |
|---|---|
| **«ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ» ИЙФУК** | **“Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази”** |
| **Манзил**: Наманган вил, Поп тумани Резак қ А-373 «Тошкен Ўш» а/й. 230-км | **Манзил**: Наманган шахри, Саноат кўча 19-уй |
| **Тел**: (71)212-70-51 (71) 212-70-50 | **Тел**: 69 237-21-40 (факс), 69-237-33-82 |
| **х/р**: 23 402 000 300 100 00 1010 | **Х/р**: 23402000300100001010 |
| **ШХР**: 3045 1086 0142 1970 4516 3118 001 | **М/Х:** 47001086014401704519З118002 |
| **ИНН**: 201 122 919, **ИФУТ** : __________ | **Банк:** ХККМ М.Б Тошкент ш Б.Б |
| **Банк**: ХККМ МБ Тошкент шахри Бош бошқармаси. **МФО:** 00014 | **ИНН:** 201122919 **МФО:** 00014 |
| | **ИФУТ:** 85590 |
| **Бошлиғи:** ______________ **А. Изатуллаев** | **Директор:** ___________ **С. Хамидов** |

2022 йил «26» Сентябрдаги

**- 7 -** сонли шартномага

1-иловаси

**Умумий фойдаланишдаги махаллий ахамиятидаги автомобиль йўлларидаги кўприклар диагностика қилиш ишлари учун**

**С П Е Ц И Ф И К А Ц И Я (лот-135989)**

| № | Бажариладиган иш ёки кўрсатиладиган хизматлар | Ўлчов бирлиги | Кўприклар сони | Нархи (битта кўприк учун) сўм |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 4К-791б "А-373 автойўлидан - Навгарзор қишлоғига шахобча" а/й 5 км. "Узунтак" кўприги | дона | 1 | 5 800 000 |
| 2 | 4К-791б "А-373 автойўлидан - Навгарзор қишлоғига шахобча" а/й 8,6 км "Ноилқотон" кўприги | дона | 1 | 5 800 000 |
| 3 | 4К-791в "А-373 автойўлидан - Оқтоғ массивига шахобча" а/й 2 км Қизилчасой кўприги | дона | 1 | 5 800 000 |
| 4 | 4К-791в "А-373 автойўлидан - Оқтоғ массивига шахобча" а/й 8 км Қизилчасой кўприги | дона | 1 | 5 800 000 |
| 5 | 4Н-712и "А-373 автойўлидан - Эртошсой қишлоғига шахобча" а/й 1 км  Қизилчасой кўприги | дона | 1 | 5 800 000 |
| | **Жами:** | | **5** | **29 000 000** |

**«БУЮРТМАЧИ»**
**"Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси" унитар корхонаси**

**Директор:** ____________ **А. Изатуллаев**

**«БАЖАРУВЧИ»**
**"Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази**

**Директор:** ____________ **С. Хамидов**

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 135989 на приобретение Куприкларни диагностикадан утказиш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 22.09.2022

Время рассмотрения 22.09.2022 09:23

Закупочная комиссия Камчикавтойул ихтисослаштирилган йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ТУРСУНОВ ПУЛАТХОН ТУРДИБАЕВИЧ | Директор уринбосари | Камчикавтойул ИЙФУК |
| **Секретарь комиссии** | BABAMIRZAYEV SALIMJON JOBIROVICH | ПТО Бошлиги | Камчикавтойул ИЙФУК |
| **Член комиссии** | Бойтураев Р. | Адвокат | есть |
| **Член комиссии** | Қ.Пахриддинов | Плановый бухгалтер | есть |
| **Член комиссии** | Олимов Г. | Гл.бухгалтер | есть |
| **Член комиссии** | Махкамов Р. | Инжинер | есть |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 22.09.2022 года № лота 135989.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по диагностике мостов** |
|---|---|
| Подробное описание | “Камчикавтойул” ИЙФУК тасарруфидаги давлат ахамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобил йулларида жойлашган куприкларни диагностикадан утказиш ишлари |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 30 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 30 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Опыт работы

Тип: Текстовое значение

Описание: Опыт работы в данной сфере

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NAMANGAN YO`L XO`JALIGI XODIMLARI** | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MALAKASINI OSHIRISH O`QU** | | | | | | |
| **OOO MUSTAFA FIRST DESIGN** | 10 | 10 | 6 | Экспертная | | |

Критерий №2 Данные об участников

Тип: Текстовое значение

Описание: Подробные данные об участниках тендера

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NAMANGAN YO`L XO`JALIGI XODIMLARI MALAKASINI OSHIRISH O`QU** | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |
| **OOO MUSTAFA FIRST DESIGN** | 10 | 10 | 6 | Экспертная | | |

Критерий №3 Разрешительные документы

Тип: Текстовое значение

Описание: Разрешительные документы для оказание данной услуги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NAMANGAN YO`L XO`JALIGI XODIMLARI MALAKASINI OSHIRISH O`QU** | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |
| **OOO MUSTAFA FIRST DESIGN** | 10 | 10 | 6 | Экспертная | | |

Критерий №4 Список организаций, выполненных аналогичных работ

Тип: Текстовое значение

Описание: Список организаций, выполненных аналогичных работ за 12 месяцев

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NAMANGAN YO`L XO`JALIGI XODIMLARI MALAKASINI OSHIRISH O`QU** | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |
| **OOO MUSTAFA FIRST DESIGN** | 10 | 10 | 6 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **NAMANGAN YO`L XO`JALIGI XODIMLARI MALAKASINI OSHIRISH O`QU** | 30 000 000.00 | 29 000 000.00 UZS | 29 000 000.00 | 00.00 | 29 000 000.00 | 20.09.2022 16:14:44 | 0 |
| **ООО MUSTAFA FIRST DESIGN** | 30 000 000.00 | 29 500 000.00 UZS | 29 500 000.00 | 00.00 | 29 500 000.00 | 21.09.2022 11:47:23 | 0 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **NAMANGAN YO`L XO`JALIGI XODIMLARI MALAKASINI OSHIRISH O`QU** | 70 | 0 | 70 |
| **ООО MUSTAFA FIRST DESIGN** | 60 | 0 | 60 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 135989 от 22.09.2022 года на приобретение Куприкларни диагностикадан утказиш ишлари определила победителем:

NAMANGAN YO`L XO`JALIGI XODIMLARI MALAKASINI OSHIRISH O`QU
201844218

и резервный исполнитель: ООО MUSTAFA FIRST DESIGN (308297416)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ТУРСУНОВ ПУЛАТХОН ТУРДИБАЕВИЧ | Согласен | |
| **Член комиссии** | Бойтураев Р. | Согласен | |
| **Член комиссии** | Олимов Г. | Согласен | |
| **Член комиссии** | Махкамов Р. | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

3838

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NAMANGAN YO'L XO'JALIGI XODIMLARI MALAKASINI OSHIRISH O'QUV MARKAZI"

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NAMANGAN YO'L XO'JALIGI XODIMLARI MALAKASINI OSHIRISH O'QUV MARKAZI"

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

12.05.2011 3838 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 201844218

Tashkiliy-huquqiy shakli: Muassasa

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Namangan shahri, SANOAT KO'CHASI, 19-UY,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI DAVLAT XIZMATLARI AGENTLIGI NAMANGAN VILOYAT BOSHQARMASI NAMANGAN SHAHAR DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi**

**Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi**

20 *21* yil *26* *fevral* da Seriya **MO** № **70000014** - raqam bilan qayd etilgan

**Davlat akkreditatsiyasi to'g'risidagi sertifikatga ilova**

***Namangan yo'l xo'jaligi xodimlari malakasini oshirish o'quv markazi***

(ta'lim muassasasining to'liq nomi va yuridik manzili)

***Namangan shahar, Sanoat ko'chasi, 19 - uy***

**Ta'lim yo'nalish (ixtisoslik, mutaxassislik)lari**

**RO'YXATI**

| Ta'lim yo'nalish (ixtisoslik, mutaxassislik)lari shifri va nomi | | Ta'lim shakli (kunduzgi, sirtqi) | Kadrlar tayyorlash darajasi |
|---|---|---|---|
| **MALAKA OSHIRISH KURSLARI** | | | |
| 1. | Direktorlar | Kunduzgi | MO |
| 2. | Bosh muxandislar | Kunduzgi | MO |
| 3. | Bosh mexanik | Kunduzgi | MO |
| 4. | Harakat xavfsizligi muxandislari | Kunduzgi | MO |
| 5. | Yo'l bo'limi boshliqlari | Kunduzgi | MO |
| 6. | Yo'l bo'limi ustalari | Kunduzgi | MO |
| 7. | Avtomobil yo'llarini qurish va ta'mirlashda (asfaltobeton sex) laboratoriya xodimlari | Kunduzgi | MO |
| 8. | Yo'l nazorati ishchilari | Kunduzgi | MO |

**Davlat inspeksiyasi boshlig`i** **U.Tashkenbayev**

"DAVLAT BELGISI" DICHB TBF, 2018

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI

TA'LIM SIFATINI NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKSIYASI

DAVLAT AKKREDITATSIYASI HAQIDA

# SERTIFIKAT

20*21* y. «*26*» *fevral* № *13*

Ushbu hujjat attestatsiya natijalariga ko'ra *Namangan shahar,*
(yuridik manzili)

*Sanoat ko'chasi, 19 - uy*

manzilida joylashgan

*Namangan yo'l xo'jaligi xodimlari malakasini oshirish o'quv markazi* ning
(ta'lim muassasasining nomi)

davlat akkreditatsiyasi

*Malaka oshirish va qayta tayyorlash*
(ta'lim muassasasining turi)

*Malaka oshirish va qayta tayyorlash instituti*
(ta'lim muassasasining maqomi)

mosligini tasdiqlaydi va bitiruvchilarga mazkur sertifikat ilovasiga muvofiq ta'lim yo'nalish (mutaxassislik)lari, dasturlari, bosqichlari bo'yicha davlat namunasidagi ta'lim haqidagi hujjatlarni berish huquqini kafolatlaydi (sertifikat ilovasi bilan haqiqiydir).

*Amal qilish muddati* 5 *yil*

*M.O'*

*Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig'i* (imzo) *U.Tashkenbayev*
(F.I.SH.)

**Seriya MO № 7000014**

"DAVLAT BELGISI" DICHB TBF, 2018